

КУЧИМИЗ — БИРЛИКДА

ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИ

20 май куни қушни ва жондош Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари бошланди. Икки қардош халқ бирлиги ва жипслигининг рамзи бўлиб қоладиган ана шу ўзига хос байрам — Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунларининг расмий очилиш маросимида иштирок этиш учун 20 май эрталаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Тошкентдан Алмати шаҳрига жўнаб кетди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бошчилигидаги делегация Қозоғистон Республикаси пойтахти Алматига келди. Аэропортда Ўзбекистон раҳбари ва унга ҳамроҳ кишиларни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев ва Қозоғистоннинг бошқа раҳбарлари кутиб олдилар. Миллий либосдаги қизлар Президентимизга гуллар тақдим этдилар.

Ислам Каримовга Республика Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Абдулхалим Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Қорақалпоғистон Жўқарги Кенгеси раиси Уббинияз Аширбеков, Бош

вазир уринбосари Юрий Пайгин, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тулаганов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳ бўлди.

Президентимиз Қозоғистоннинг ҳукумат аъзолари билан самимий саломлашди. Аэропортнинг ўзида Ўзбекистоннинг мартабали меҳмонлари шарафига концерт берилди. Икки мамлакат президентлари шу ерда тулланган журналистлар саволларига жавоб бердилар.

Сунгра Қозоғистон Республикаси Президенти девонида Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбаев яккама-якка суҳбатлашдилар. Бу учрашувдан сўнг икки давлат раҳбари журналистларнинг саволларига жавоб бердилар. Президентлар ўтказиётган бу тадбир икки халқ ўртасидаги қадимдан давом этиб келатган дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашда буюк аҳамият касб этишини қайд этдилар.

Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбаев Алматидан очилган «Интеграция — 95» кургазмасини бориб кўрдилар. Бу кургазмада халқ ҳужалигининг турли соҳаларида эришилаётган муваффақиятлар ўзифодасини топган.

Икки давлат раҳбари Алматида қозоқ халқининг буюк адиби Абай Қўнанбоев ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

20 май кечқурун Республика саройида Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда нутқ сўзлаган Нурсултон Назарбаев ва Ислам Каримов ўзбек ва қозоқ халқлари қон-қардошлигини янада мустаҳкамлашининг аҳамиятини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон санъат усталари саройда катта концерт қўйиб бердилар. Алмати аэропортда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовни тантанали кузатиш маросими бўлди. Давлатимиз раҳбарини Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаев, республиканинг бошқа раҳбарлари кузатиб қолдилар.

20 май кечқурун Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов Алматидан Тошкентга қайтиб келди.

Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари давом этапти. Ўзбекистонлик меҳмонлар Қозоғистоннинг вилоят ва шаҳарларига йўл олдилар.



Дилшод Мирқосимовнинг китоб-журнал фабрикасида ишлаётганига етти йил бўлди. У шу йиллар мобайнида режаларини бажарибгина қолмай, сифатта ҳам катта эътибор бериб келмоқда. СУРАТДА: Дилшод Мирқосимов иш устида.

Республикамизда ёшларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга баҳорчи чакриқ давом этмоқда. Чакриқнинг муваффақияти кўп жиҳатдан чакриқ ёшдаги ўсирилларнинг соғлиқларига боғлиқ. Мухбиримизнинг Тошкент шаҳар соғлиқ сақлаш бошқармаси ўсириллар бўлими бошлиғи Гүлдона Умарова билан суҳбат чакриқ ёшдаги ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳақида бўлди.

Ватан хизмати бўсағасида ТИББИЙ КҮРИК — МУҲИМ МАСАЛА

— Мустақил Республикамиз Куролли Кучлари сафини соғлом, бақувват ёшлар билан тўлдирish борасида қандай тадбирлар кўриляпти?

Албатта, Ватанимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Бу бизнинг бош бошқармасида ҳодимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Ўсириллардан бир қисми мудофаа бўлими чакриқ комиссияси кўригидан ўтиб, ҳисобга туришган. Бу эса барча чакриқ ёшдагиларнинг кўчилигини ташкил этади. Бироқ уларнинг маълум қисми тиббий кўрикдан ўтмай қолган. Бунинг сабаби нима? Жойларда ўсириллар вақтида ўз касалликлари бўйича шифокорларга мурожаат қилмайдилар. Чунки касаллик уларни бевозта қилмагани учун бемалол юраверяшди. Армия ёшига етган эса, айрим ёшлар, ота-оналар касаллиқни рўқач қила бошлайдилар.

Бу галги тиббий кўрикдан ўтганларнинг айримларида касаллик аломатлари аниқланди. Улар қайта текшириш учун шифохона, даволаш муассасаларига юборилдилар.

— Касаллиги аниқланган ёшларни соғломлаштириш ишлари қандай ташкил этилган?

Бу иш ҳали бугунги кун талаблари даражасида бўлмасда бу борада маълум натижаларга эришилди. Айрим касалликлар сурункали бўлгани учун камида 3-5 йилгача даволашни талаб этади. Ушандагина улар соғлом рўйхатига киритиладилар. Бундай камчиликларнинг рўй беришига йигитларимиз тиббий кўрикдан тўлиқ ўтказилмаганиликлари, сурункали касалликлар кеч аниқланганлиги сабабидир!

— Бу ишни яхшилаш учун қандай чора-тадбирлар кўриляпти?

Ҳозирги кунда болалар поликлиникаларида маҳалла мактаб ўсирил-шифокорлик бўлимлари ташкил этиляпти. Бу эса сурункали касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва ўз вақтида даволаш имконини беради.

Шунингдек, ҳар бир туманда марказий ташхис даволаш муассасалари очилмоқда. Бу Мудофаа ишлари бўйича тиббий комиссиялар иши сифатини ошириш, бу соҳага эътиборни қўйишга қаратилган. Қолаверса, бу тадбир тор доира шифокор-мутахассислардан унумли фойдаланиш имконини беради. Ҳозир ана шундай ташхис даволаш муассасалари Юнусов, Ҳамза, Яқсарой, Шайхонтоқур туманларида иш бошлади. Ўйлаймики, бу иш Куролли Кучларимиз сафаридида хизмат қилиш учун соғлом, бақувват ёшларни тайёрлашда муҳим омил бўлади.

Суҳбатдош Мавлуда МИРЗАЕВА.

Ўзбекистонга расмий ташриф муносабати билан

ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ БЕНАЗИР БХУТТО

1953 йил 21 июнда Карочи шаҳрида туғилган. Покистонда бошланғич маълумот олганидан кейин Редклифф коллежига, кейинчалик эса, Оксфорд шаҳридаги (Буюк Британия) Леди Маргарет Холл коллежига ўқишга кирган.

1977 йилда Оксфорд Университетининг халқаро ҳуқуқ ва дипломатия факультетини тугатган.

1977 — 1988 йилларда Покистон халқ партиясининг (ПХП) етакчиси бўлган.

1988 йил ноябрида ўтказилган парламент сайловида Покистон халқ партияси галаба қозониб, натижада Б. Бхутто бошчилигидаги ҳукумат тuzилган.

1990 йил 6 августда Покистон Президенти Гулом Исҳоқ Хон қарорига биноан Б. Бхутто ҳукумати тарқатиб юборилган.

1990 — 1993 йилларда Б. Бхутто Покистондаги муҳолифат етакчиси бўлган.

Навоз Шариф ҳукумати истеъфога чиққандан кейин, 1993 йил 19 октябрда Б. Бхутто Покистон Бош вазирлиги сифатида иккинчи марта қасамёд қилган.

Б. Бхутто жаҳондаги бир қанча мамлакатларнинг олий мукофоти ва фахрли халқаро мукофотлар, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича Бруно Кристини номидаги (1988 йил) мукофот, Редклифф коллежи тақдирлаган Фи Бет Кап фахрий мукофоти (1989 йил) соҳиби, шунингдек, Марокаш,



Франциянинг олий мукофотларига сазовор бўлган.

Б. Бхуттога 1994 йилда Синд университетининг (Покистон) ҳуқуқ фахрий доктори даражаси берилган, у Гарвард университетининг (АҚШ) фахрий доктори ҳамдир.

Б. Бхутто иккита — «Истиқболдаги ташқи сиёсат» (1978 йил) ва «Тақдир қизи» (1988 йил) китобларининг муаллифи.

Б. Бхутто турмуш қурган, уч фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ХАЛҚАРО ИСЛОМ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ислам таълимоти ва фалсафасини кенг урганиш, ўзбек халқининг диний, тарихий ва маданий меросини чуқур илмий тадқиқ этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

- Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг Тошкент шаҳрида Халқаро ислом тадқиқот марказини ташкил этиш ва унинг мақомини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаларига тенглаштириш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин. Марказнинг низоми, тузилмаси ҳамда марказ ҳодимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари ва тариф коэффициенти, ҳодимларнинг сони ва уларга туланидиган маблағ ҳисоб-китоби тасдиқлансин.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: Тошкент Халқаро ислом тадқиқот маркази фаолиятини таъминлаш учун Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси ҳамда республика бюджетини ҳисобидан тенг улушларда маблағ ажратилишини инобатга олиб, 1995 йилнинг июль ойидан бошлаб ҳар йили бюджетни шакллантиришда тегишли маблағ ажратишнинг назарда тутилсин;
- Халқаро ислом тадқиқот марказига хизмат курсатиш учун 1 та енгил автомашинага лимит ажратсин.
- «Тошшаҳрийулочитра» уюмчаси ажратилган лимитга мувофиқ марказга автотранспорт хизмати курсатсин.
- Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси 1996 йилдан бошлаб Халқаро ислом тадқиқот марказининг илмий изланишлар мавзуларини танлов орқали маблағ билан таъминланувчи ишлар рўйхатига киритсин.
- Алоқа вазирлиги белгиланган тартибда Халқаро ислом тадқиқот марказига зарур микдорда шаҳар телефонлари, шу жумладан, ҳукумат АТСдан телефон ва бошқа алоқа воситалари урнатиб берсин.
- Тошкент шаҳар ҳокимли-



Илгари хабар бериб ўтганимиздек, 17 майдан фаолият курсатган «Замонавий бизнес учун юксак технологиялар» мавзuida буюнаний 2-халқаро технология кургазмаси кеча ўз ишини якунлади. Унинг ишдан шундай жиҳозларни ишлаб чиқарадиган жаҳондаги етакчи йигирмадан зиёд фирмалар қатнашди. Саҳизз юз квадрат метр майдонга ейилган кургазма замонавий бизнес учун зарур бўлган ишланмалар ва янги технология билан танишиш имконини берди. Мутахассислар, ишбилармонлар алоқа воситалари, нусха кўчириш техникаси, ҳисоб-китобни автоматлаштиришнинг воситалари ва хавфсизлик системалари, офис мебели, бизнесни бошқариш ва ташкил этиш компьютер технологиялари билан атрофлича танишдилар.

Кургазмада «Ишонч» бизнес-маркази Ўзбекистоннинг компьютер бозорига Американинг машҳур «КАТЕ-ВАЙ 2000» фирмаси маҳсулотларини қўз-қўз қилди. Ушбу фирмандан келтирилган компьютер ва жиҳозлар кишиларда катта қизиқиш уйғотди. Маълумки, ушбу

«ТО» НАФАСИ

МАМПАКАТИМИЗДА

□ Вазирлар Маҳкамаси «Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳодимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлариغا ўзгартириш киритиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга мувофиқ шу йил 1 майдан бошлаб бу республика давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳодимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари бўйича иккинчи гуруҳдан биринчи гуруҳга ўтказилди.

□ Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Миср Араб Республикаси Президенти Мухаммад Хусни Муборак ва Жазири давлати Президенти Лиамин Зеруал Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга самимий табриқлар йўлладилар.

□ Бугун Тошкентдаги «Туркистон» саройида Покистон маҳсулотлари кургазмаси очилди. 27 майгача ишлайдиган бу кургазма Покистон Бош вазирлиги Бенасир Бхуттонинг мамлакатига ташрифи муносабати билан ташкил этилди.

□ 20 май куни мўқаддас Ҳаж сафаридида бўлган ҳамюртларимиздан бир гуруҳи икки маҳсус самолётда Тошкентга қайтиб келишди.

□ Пахтачи тумани пиллачилари Самарқанд вилоятида биринчи бўлиб қабул пунктларига «қумуш тола» етказиб беришни бошладилар.

□ Тошкентда «Ўзғўштусанот» давлат ҳиссасдорлик уюшмаси корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг кургазма-савдоси очилди.

ҲАМДУСТИКДА

□ 26 май куни Минскда бўлиб ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашуви кун тартибига 20 тадан кўпроқ масала киритиш мўлжалланмоқда.

□ Бугун Алматида Тожикистондаги вазиятни ҳал этиш юзасидан Тожикистон маъмурияти ва унга муҳолифатчилар ўртасида музокараларнинг навбатдаги босқичи бошланди. Маълумки, бир неча кун аввал Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов Қобулда муҳолифатчилар ҳаракатининг етакчиси Саид Абдулло Нурий билан уч кун давомида музокаралар ўтказди. Томонлар бу ерда тожик-афғон чегарасида ўт очилиш тўхтатишни яна уч ой муддатга узайтириш, қочоқларнинг ўз яшаш жойларига қайтишларига шарт-шароитлар яратиш, минтақада хавфсизлиқни таъминлаш юзасидан ахдлашдилар.

□ Украина Олий Кенгаши қабул қилган давлат ҳокимияти тўғрисидаги қўнуғна биноан мамлакат президентига қўшимча ваколатлар, жумладан, унга мустақил равишда ҳукуматни шакллантириш, маҳаллий маъмуриятни ишга тайинлаш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқлари берилди.

□ Бугун Молдова Президенти Мирча Снегур бу ерга келган Россия парламентининг қуйи палатаси — Давлат думаси депутатларини қабул қилди. Учрашувда асосан Молдавияда жойлашган Россиянинг 14-армиясини бу ердан олиб чиқиш кетиш масалалари муҳокама этилиши кўзда тутилди.

□ Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган Америка фонди Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистондан сўнг Тожикистонда ҳам ўз фаолиятини бошлади. Ҳужалд шаҳрида ушбу фондни таништириш маросими бўлиб ўтди.

ХОРИҶДА

□ Америка Қўшма Штатлари ўзларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси сифатида бир еклама қарор лойиҳаларини рад этиш ҳуқуқидан фойдаланиб, халқаро ҳамжамият томонидан Исроилнинг Қуддусда 53 гектар майдонни ижарага берганлигини қораловчи ҳужжат қабул этилишига йўл қўймади. Араб мамлакатлари лигаси ана шу ўтқир муаммолни муҳокама этиш учун Марокашда ушбу ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашувини ўтказишга қарор қилди.

□ Россия мудофаа вазири Павел Грачев бир ҳафта давомида Хитой ва Жанубий Корейда бўлиб, ушбу мамлакатлар билан ҳарбий соҳада ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларини муҳокама этди.

□ Польша Президенти Лех Валенса Краковда дудаевчилар томонидан «Озод Кавказ» радиостанциясини орқали эшитиришлар олиб боришига йўл қўйилмаслиги тўғрисида баёнот берди. Баъзи оммавий ахборот воситалари бу радиостанция яқин орада Краковдан Кавказ республикаларига эшиттиришлар бошлаши тўғрисида хабар қилган эдилар.

□ Перу Бош прокуратураси мамлакатнинг собиқ Президенти А. Гарсияга у ҳокимият тепасида бўлган пайтда қўнуғний равишда бойлик орттирганлиги тўғрисида расмий айбномани эълон қилди.

Меҳнат жамоаларида «ОСИЁ» ДАЗМОПЛАРИ

дақиқадан унумли фойдаланмоқда. Айни вақтда «Осиё-1» рўсумли дазмопларни йиғиш ишлари билан бандмиз. «Осиё-2» дазмоли ҳам яратилди, у 1-цеҳда йиғилди.

Биз ҳозирги кунда болалар уйинчоғига талаб кўпроқ бўлаётганлиги тўғрисида «Спан» номили спортчиларнинг автоматлашасини ҳамда кичик ҳажмли пластмас аравачаларини ишлаб чиқаришмиз. Утган ойда 5-6 йил турдаги халқ истеъмолчи буюмларини тайёрлаб, республикамиз ҳудудларига жўнатдик. Маҳсулотларимизнинг сифати булишини ўзимиз назорат қиламиз. Шу тўғрисида йил ишларидаги эришяпмиз. Шунинг учун булса керак хали бирор маҳсулотимизга эътирозли фикрлар билдирилгани йўқ. Бунда албатта, тажрибали ишчилардан Вера Тяникова, Лидия Иловова, Татьяна Кокарева ва Валентина Ларковадорнинг ҳиссалари катта бўляпти.

Бош корхонанинг 5, 6, 09, 12 цеҳларидида ҳам турли хилдаги халқ истеъмолчи буюмлари ишлаб чиқариляпти. Маҳсулотларнинг қай бирига талаб юқори бўлса шу туридан кўпроқ ишлаб чиқаришмоқда. Бу инг учун корхонага қарашли шахсус дўкондаги савдо-сотик а.и. белгилловчи вазифасини бажариш билан бир қаторда, халқ талабини ҳам ўрганишга имконият яратмоқда.

Бирлашма аъзолари ўтган ойда 100 хил турдан ортиқ халқ истеъмолчи буюмлари ишлаб чиқариб, ўз хандошларига етказиб беришди. Асосий маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 145 фоизга адо этилди. Пуллик сумми мақсудати 14,9 минг минг ташкил этиди.

Гүлдона МАМБЕТОВА.

Суратли ахборот

ҲАР ЖИҲАТДАН ФОЙДАЛИ

фирманинг компьютерлари ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги, «Турон» банкида, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг ёнгииндан муҳофаза қилиш бошқармасида фаолият курсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ўзбекистон пайчилик, тижорат саноат қурилиш банки, «Ипак йули» банки, «Компьютер-Осиё» илмий техника парки, «ЦМИ» инновация фирмалари ташаббуси билан ўтказилган ушбу халқаро кургазма ҳар жиҳатдан фойдали бўлди.

Собир БОЗОРОВ.

СУРАТЛАРДА: халқаро технология кургазмасида. Рустам Шарипов олган суратлар.

Кечки смена тугаб қолганди. Содикжон бугунги иш куни унумли бўлганидан мамнун троллейбус бошқарди. Бирдан нотаниш икки йигит кабина эшигини очди. Уларнинг оғзидан спирт ҳиди анқирди.

— Аравангни темир йул вокзали томон бур!

Хайдовчининг куйлагини барваста қўллар гижимлади.

— Нима гап? Ахир биласизларку троллейбус йўналишидан ташқарига чиқмайди, — деди Содикжон.

— Валдирама. Қани, бўлмаса рул чамбарагини бир бушатиб қўйчи.

Безорилардан бири шу чок Содикжоннинг бикинига пичок тиради.

Кабина ичида олишув бошланди. Салонда воқеани зимдан кузатиб турган яна икки йулвчи — безориларнинг шериги экан. Улар ҳам қушилиб хайдовчининг бош-қузи демая дуппослашди.

Иккинчи куни тушга яқин келган Содикжон кузини очиб тиббий даволовчилар орасида ташвишли турган устози Мухиддин акани курди. Булиб утган кунгилсиз воқеани эсладию ёшга тулган кузларини юмди. Мухиддин ака худди ўз фарзандидек булиб қолган Содикжоннинг қулогига шивирлади:

— Бардам бўл. Сени кургани бутун бошли маршрут кучиб келди. Жароҳатинг тезда битиб кетади. Яна сафимизга қайтасан.

— Рахмат...

Ёш хайдовчига оталарча ғамхурилик қилаётган бу жонқуяр инсонни Собир Раҳимов туманидаги «Оқлон» маҳалласининг барча ёш қосир танийди. Аслида бу меҳрибон ва дилкашлик унга отаси Носир акадан утган. Бутун умри 2-трамвай-троллейбус манзилгоҳида хайдовчилик билан утган Мухиддин Носиров шу йиллар давомида озмулча ёшларга касб сирларини ургатиб устозлик қилдимди. Содикжон воқеасини эшитиб устоз қўли кетди. Касалхонага чопди. Боч арач хузурига қўлди. Шогирдини овқат тургазишни улардан илтимос қилди.

Мухиддин ёшлигиданоқ катталарнинг ғалини сўзсиз бажарарди. Айниқса ҳарбийда бу хислати асқотди. Армия сафидан қайтган меҳнатта чанқок йигит шу саройга ишга кирди. Троллейбус хайдовчилиги касбини авариясиз юрчувлар устаси Илос Аббосовдан пухта урганди. Режали ишни ёқтирган, техника сирларини пухта эгаллаган Мухиддиннинг бошқа троллейбус манзилгоҳлари ҳам қуярда-қуймай ишга тақлим қўлаверди. 1-йўналишини машаллар сафига қутарган, тажрибали хайдовчини 7-троллейбус йўналишига бригадирликка тақлим қўлаверди.

Меҳнатинг — зийнатинг

МАНЗИЛНИ ЯҚИН ҚИЛУВЧИЛАР

Биринчи навбатда жамоа орасида меҳнат интизомига қатъий риоя қилди. Техник синавдан қайта ўтмаган хайдовчиларни троллейбусга қўйиштирилди. Ҳаракат мароми жадвали эса хайдовчилар йўналишида муҳокима этилиб тасдиқланди.

Бир куни М. Носировни бошқарма бошлиғи ўз хузурига чақирди.

— Уғлим, ҳозир оғир шароитдамыз, — дея уридан туриб Мухиддиннинг енига келиб ўтирди бошлик. — Янги 3-трамвай ва троллейбус саройи ишга тушиш арафасида турибди. 18-троллейбус йўналиши очилишини режалаштириб қўйганмиз, малакали бошлик керак. Тўғриси, етакчиликка сенинг номзодингни курсатдик.

Мухиддин ака узоқ ўйлади. Бошлиқнинг вақти тигиз бўлса ҳам хайдовчилар устозининг бир фиркага келишини кутди. Ва ниҳоят, М. Носиров босиқлик билан сўзлади:

— Розиман. Лекин бир илтимосим бор. Қўл остида ишлаётган бутун хайдовчилар жамоаси билан ўтаман.

Шунга келишилди.

... Мухиддин ака йўл-йўлакка босиб ўтган қувончли ва ташвишли кунлари ҳақида уйлариан шифхонада даволанаётган яна бир хайдовчи Абдуманноп Ганиевнинг олдига ҳам кириб ўтишни унутмади. Троллейбус ҳайдашлик ишчи билан бу ерга келиб қолган бу йигит асли бектемирлик. «Фалокат оёқ остида бўлади» деганларидек машина штангагини тортаётганда арқон узилиб темир устунига зарб билан урилади. Ерда ҳосил бўлган электр майдони Абдуманнопни 5-6 метр асфальт йўлга отиб юборди. Бош сунга жароҳатланган хайдовчи ҳамкасбларининг ёрдами билан тезда касалхонага втқўзилди.

Устозини курган Абдуманнопнинг чехраси очилиб кетди, кайфияти кўтарилди.

— Тезда соғайиб сафимизга қайтишингни сабрсизлик билан кўтапимиз, — деди Мухиддин ака Абдуманнопнинг қўлларини маҳкам қўшиб.


Абдуманноп қувонч билан устозини кузатди.

Хозир Мухиддин ака бошчилик қилаётган 18-троллейбус йўналишини «Байналмилалчилар йўналиши» деб аташади. Озор йигити Озод Юсупов, татар — Зуннур Исмаилов, украин — Нина Молчанова, рус — Юрий Козлов. Бамисоли бир даракнинг мевалари — ака-укадек булиб кетишган.

Ҳамшаҳарларимиз 18-троллейбус йўналишини шаҳарнинг олтин белбоғига ўхшатишади. 16,2 чақиримли бу йўл «Феруза» мавзеси, Эски Жува майдони, Мирзо Улугбек, Юнусовод, Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов туманларини бир-бири билан боғлайди. Хар тонгдан 26 та машина бекатлар ораллиғини хатарсиз босиб ўтишга ошади. М. Носиров етакчилиғидаги байналмилалчилар бир кунда 5003 чақирим йўлни босиб ўтишга эришмоқдалар. Бу муваффақиятни қўлга киритишда ёш хайдовчиларнинг салмоқли ҳиссаси бор. Сардорнинг шогирдлари Марат Сагадинов, Людсия Давленевалар ҳам аҳолига юксак маданий хизмат қўраётганлиги.

Инсон учун энг гузал ва қадрли нарса унинг босиб ўтган нурафшон йўллари эл арғовида бўлган дамларидир. Меҳнатсевар қалб эгаси Мухиддин акага яна масъулиятли вазифа ишонч билан топширилди. Қорақамши мавзеси — Юнусовод 19-мавзеси орасида очилган 25-троллейбус йўналишига сардор этиб тайинлангани уни яна ижодий изланишга ихломлантирди. Масофаси 8,8 чақиримли йўналишда 8 та машина қатнаб жадвал асосида ҳаракатланишида М. Носировнинг ҳавтдаги тажрибалари муҳим аҳамият касб эътаят. Машъал хайдовчилар Александр Смирнов, Станислав Лапко, Комилжон Абдужаббаров, Юсуф Меҳтиевлар ва бошқаларнинг номларини ҳурмат билан тилга олса арзийди.

Усмон МУҲАМЕДОВ.



Темирчи Дустамовларнинг учинчи авлоди иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Улар Акмал Икромов тумани Абдулхай Тоҳиев маҳалласи фуқаролари учун рўзғорга керак бўладиган барча темир анжомларни ясаб беришга ҳаракат қилишмоқда. Оқ тунақадан тайёрланган маҳсулотлар кўпроқ харидориги бўлаётганлиги тўғрисида, мана шу турдаги буюмлар алоҳида эътибор билан ясалмоқда. Хоҳандоз, қирғич, ёлғон, пишириқлар учун қолиплар, чови, манги қасқон ва қабоб қураси, икки-уч хилдаги чепаклар мана шу ҳусусни тунуқасозлар қўлида тайёрланмоқда.

СУРАТДА: Эргаш Дустамов угли Эркин билан тайёр маҳсулотларни қўздан кечирибди.

Тошкент қишлоқ ҳужалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси фақатгина пахта терадиган эмас, аксинча, бугдой, маккажўҳори ва бошқа ем-хашакларни йиғиб-териб оладиган комбайнлар ҳам ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйди.

— Асосий мақсадимиз дала меҳнаткашларининг оғир қўл меҳнатини енгиллатиш, — дейди корхона директорининг ишлаб чиқариш бўйича уринбосари Николай Зиновцев. — Утган йилларда кўпроқ эътибор ва талаб пахта териш машиналари ишлаб чиқаришга қаратиларди. Йил бошидан иш услубимизни ўзгартирмаган ҳолда жиҳдий янгилликларни ишлаб чиқаришга жорий эта бошладик. КПК-2, 4 русумли ем-хашакни уриб-тўллайдиган, беш хил турда иш бажарадиган комбайннинг дастлабки намуналари ҳужаликларга жўнатилди. Бу комбайнлар утган йилги урим мавсумида синавдан ўтказилиб, ўзининг ижобий самарасини берган эди. Комбайннинг аҳамияти томонини шундаки у 3 метргача узунликда бўлган маккажўҳориларни ҳам бемалол уриш имкониятига эгадир.

Ҳозирги кунгача бу маҳсулотлардан 12 таси Самарқанд вилоятига жўнатилди. Қозғистон, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига ҳам яна 12 таси эҳтиёт қисмлари билан тахт қилиб қўйилди. Май ойи охиригача 60 та комбайн қишлоқ ҳужалик меҳнаткашлари учун йиғиб тайёр қилинади. Комбайнларни тез ва соз яратишда 5-пайвандлаш-йиғиш цехи (бошлиғи Георгий Скворцов) ҳамда 22-йиғиш цехи (бошлиғи Михаил Гвоздев)нинг ишчилари фаол меҳнат қилишмоқда.


Бундан ташқари ер сатҳидан пастда бўлган сабзавотлар: картошка, сабзи, лавлаг, шолғомларни ердан қавлаб, йиғиб берадиган дастгоҳлар ҳам ишлаб чиқаряпмиз. Авваллари бундай дастгоҳлар кўпроқ Белоруссияда ишлаб чиқарилиб эди. Ва энча ердан олиб келар эдик. Эндиликда ўзимизда тулик чиқариш имкониятига эгамиз.

— Николай Андреевич, яқинда корхонага хорижлик тадбиркорлар ташриф бую-



Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт

«ТОШҚИШЛОҚМАШ»ДА АМЕРИКА КОМБАЙНЛАРИ ЙИГИЛАДИ



ришган эди. Улар билан нима масалада келишиб олднгизлар?

— Чет эл инвестицияларининг юртимизга кириб келишини янада тақомиллаштириш

мақсадида Американинг «Кейс» фирмаси билан қўшма корхона ташкил этишга қарор қилдик. Бу фирмада ҳам асосан қишлоқ ҳужалик ходимлари учун маҳсулотлар, яратилган техниканинг эҳ-

тиёт қисмлари ишлаб чиқарила экан. Ташриф буюрган тадбиркорлар қишлоқ ҳужалик машиналари ишлаб чиқарадиган етук мутахассислар бўлиб, улар узлари билан энг сунгги модел

да яратилган бугдой уриш комбайнининг намунавий нусхасини олиб келишди. Келтирилган эҳтиёт қисмлар ҳозир 32-тажриба цехида йиғилмоқда. Дастгоҳ тула йиғиб бўлингач Тошкент вилояти ҳужаликларига экилган бугдойзорларда синавдан ўтказилади. «Юз марта гапиргандан бир курган яхши», дейдилар. Юринлар, яхшиши чет эл техникасини ўз кузигиз билан кура қўлинглар...

32-тажриба цехи. Унга Вячеслав Кондрюцев раҳбарлик қилади. Бу жамоада 24 киши ишлайди. Хорижликлар комбайнини йиғиш ва пайвандлаш ишларини амалга оширишда меҳнат фахрийларидан Дмитрий Скрипов, Фарид Раҳмонов ва Дмитрий Самаркинлар фаол иштирок этишмоқда. Унинг лойиҳа тизими қанчалар мураккаб бўлсин, лекин яқин кунлар ичида дала меҳнаткашларига тортиқ этишади.

— Бугдой уриш тиркамасини ишлатиш жараёнида Т 28 Х-4 тракторига уланади, — деб сўхбатни давом эттирди Николай Андреевич. — Унинг эни 5 метр бўлиб, бугдойдан ташқари урим-йиғим ишида кенг қўлланиш имконияти бор. Тўғри, комбайннинг лойиҳа ва жойлаштириш тизими жуда мураккаб яратилган. Лекин шунга қарамай ишчиларимиз чизмалар ёрдамида йиғиш ишларини жадаллик билан олиб боришмоқда. Курсатмага кура урилган бугдойни тежаб-тергаш имконияти юқори эканлиги айтилган. Бунинг натижасини яқинда ўз тажрибамизда синаб кураимиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, чет элга маҳсулотларимиз кам экспорт қилинаётган бўлса, лекин қишлоқ меҳнаткашларининг оғир меҳнатини енгил қилиш мақсадида тинмай изланишлар олиб бораёпмиз. Айниқса мавжуд техникалар учун эҳтиёт қисмлар утган йиллардаги нисбатан бир-мунча кўпайди. Шунинг ҳисобига ойлик режа 123,8 фоизга адо этилди.

Гўлзола АБДУЛЛА қизи. СУРАТЛАРДА: 22-йиғиш цехининг бош конвейер устаси Саидкул Бўкаев ва йиғувчи Уткир Ориповлар иш устида; тулик йиғиб тайёрланган КПК-2,4 комбайннинг куруниши. Рустам Шарипов олган суратлар.

Акмал Икромов туманида жойлашган «Яккабоғ» жамоа корхонаси бир неча йилдан бери фаолият қўраётган. Айни пайтда корхона кунини 2000-2500 дан ортққон ҳамда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг илгир ишчиларидан Обиджон Мирқосимов ва Тания Малоткиналарни кўриб турибсиз.

Ҳажимжон Солиқов олган суратлар.



Яна бир неча кундан сўнг мактабларда «Сўнгги кўнгириклар» чалинади. Бундай қувончли дамларда ҳар бир илм масканидаги муаллимлар жамоаси йил давомида қилинган ишлар, таълим-тарбияда эришган ютуқларни сарҳисоб қилади. Утган ўқув йили бошида Акмал Икромов туманидаги 116-мактаб негизда 311-ўрта мактаб ташкил этилган эди. Ҳўш, бу янгиллик қандай самаралар берди? Биз билан даргоҳининг раҳбари Хадича Убайдуллаева билан «Сўнгги кўнгирик» тантанаси арафасида учрашиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Бошланғич синфлар мактаби ташкил этилган таълим-тарбияда қандай ўзгаришлар рўй берди? — Ушбу ўқув йилида мактабимиздаги 26 та бошланғич синф ўқувчилари синфдан синфга ўтишди. Олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар болаларга кўпроқ ноъанавий усуллардан фойдаланган ҳолда дарс ўтишди. Шу уриндан 50 мингдан зиёд курғазмалли қуроллар ва дидактик материаллардан фойдаланганлигини айтиб ўтишим зарур. Бошланғич синф бўли-

шига қарамай дарс-анжуман, дарс-саҳнат, дарс-бахс, дарс-синав, дарс-маъруза, дарс-уйинлар ва усуллардан фойдаланган ҳолда ташкил этилган кўнгирик натижасини берди, деб ўйлайман.

Диққатга сазовор жойи маънавий бўлганимиздан сўнг 6 та гимназия синфлари очилган эришдик. Уларда ўқ йўналиши: инглиз тили ва математика, инглиз тили ва адабиёт, инглиз тили, математика ва она

Икромов, Раҳима Аширбоеваларнинг хизматлари катта бўлмоқда. Бу устозларнинг саъй-ҳаракати тўғрисида болаларнинг нутқи раван, фикрлаш доираси кенг бўлиб, ахлоқ-одоби яхшиланимоқда. Бундан ташқари ўқиш тизлиги икки баравар ошди, ўқувчилар инглиз тилида оқддий гапларни бемалол сўзлаб олишади. Ўқишга иштиёқи сўст бўлган баъзи болалар тенгдошларининг иштиёқини қўриб улар-

мунча уйлантираётир. Шунга қарамай имкониятлар қидириб топишга ҳаракат қилияпмиз. Энг аввало ота-оналар билан мустақкам алоқа боғладик. Барака топишсин, доимо лаббай деб жавоб беришди. Мабоодо зарур юмушларга машина қарақ бўлса ёки бошқа ишларга баҳоли қудрат ёрдам беришяпти. «Беҳайрағом» ва «Ўткир» маҳаллаларининг ахли ҳам қараб туришмайдилар. Бизни оталиққа олган 2-трамвай депоси маъмурияти ҳам ўз ёрдамиини аямаяпти. Туман халқ таълими бўлими ҳам оғиримизни енгил қилишга ҳаракат қилмоқда.


— Келгуси режалар хусусида ҳам тўхталсангиз.

— 1995-96 ўқув йилида ўғил болалар учун алоҳида гимназия синфини очилиши мўлжаллаб қўйдик. Мақсад — инглиз тили, математика, тасвирий санъат йўналишида ўқитишдир. Бундан ташқари қизлар учун ҳам маҳсул ва тикиш-бичиш бўйича синфлар ташкил этилади.

Дания ЗОКИРОВА экиб олди.

СУРАТЛАРДА: инглиз тили ўқитувчиси Феруза Каримова лингафон хонасида машғул ўтказмоқда; Маъсуда Мирдадаева бошланғич синфда дарс пайтда.

Равиль Альбеков олган суратлар.



Менимча гимназиялар ташкил этавермасдан мана шундай бошланғич мактаблардаги таълим-тарбия сифатини гимназия даражасига қўтариш керак.

— Мана ўқув йили ҳам якунланмоқда. Таъмирлаш ишларини ҳам бошлаб юборган бўлсангиз керак? — Олдимизда барча мактаблардаги каби таъмирлаш ишлари турибди. Зарур жиҳозлар, бинокорлик материалларининг тақчиллиги бизни бир-

Мухбиримизнинг Давлат солиқ бошқармасининг бюджет ташкилотларини, қораларини таъбирий ресурслардан фойдаланганлиги учун солиққа тортиш шўъбаси бошлиғи Бахтиёр Маҳмадқосимов билан сўхбати савдо-сотиқ, олдсотиқ бўйича йиғимларнинг айрим турларига бағишланди.

— Пойтахтимиз ҳудудида жорий этилган вино-арақ маҳсулотлари билан савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома йиғими ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Тошкент шаҳри ҳудудида вино-арақ маҳсулотлари билан савдо қилувчи юридик шахслар вино-арақ маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома йиғимини тўловчилар ҳисобланадилар.

Вино-арақ маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш жисмоний шахсларга ман этилади. Йиғимни тўловчи субъектга ягона формадаги вино-арақ маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи лицензия (рухсатнома) берилади. Рухсатнома Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ваколатли идораси томонидан берилди. Рухсатнома (лицензия) олиш учун йиғим тўловчи субъект ваколатли органга белгиланган тартибдаги ариза билан мурожаат этади. Аризага қўйиладиган илова қилинади:

а) савдо-сотиқ билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома гувоҳномасининг нусхаси;

б) Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология маркази билан вино-арақ маҳсулотларини сотишдан олдин экспертиза ўтказиш тўғрисидаги шартномадан қўчирма;

лицензия (рухсатнома) бериш тўғрисидаги қарор, тўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар топширилгандан сўнг 10 кун ичида чиқарилади.

Лицензия (рухсатнома) ваколатли идора томонидан йиғим тўлангандан сўнг 1 йил муддатга берилади. У тўрт нусxada бўлиб, биринчи нусха ариза билан мурожаат қилган шахсга, иккинчи ва учинчи нусхаси солиқ ва санитария-эпидемиология идораларига юборилади, тўртинчи нусхаси эса ваколатли идорада қолади.

Бу йиғимни тўловчилар вино-арақ маҳсулотларини сотишдан олдин Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология станциясида маҳсулотларини экспертиза-

Хуқуқий билимларни эгаллаймиз

САВДО-СОТИҚ ЙИҒИМИ

дан ўтказишлари шарт. Вино-арақ маҳсулотларининг сифати ва улар билан савдо қилишга рухсатнома Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология станцияси томонидан берилгунга қадар уларни сотиш қатъиян таъқиқланади.

Бу йиғимни тўловчи ставка белгиланган энг кам иш ҳақининг 2,5 фоизи миқдорда бўлиб, бир ойлик савдо муддатига туланади.

— Биржалардаги олдсотиқ битимларидан ундирилаётган йиғимларга қимлар тилгори?

— Биржалардаги олдсотиқ битимларидан ундирилаётган йиғимни тўловчилар, товар-хона ашё, валюта ва қўшма мулк биржаларида қатнашиб товар сотиб олувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланадилар. Йиғим бюджетга биржалар орқали ўтказилади. Шу сабабли, улар солиқ идораларига ҳар чорақдан келтириб, оғирини 10-санасига, ҳисоб-китоб топширишлари шарт. Йиғимни тўловчи юридик шахслар билан битим ўтказилгандан сўнг 2 кун ичида биржага йиғимни ўтказишлари лозим. Йиғимни тўловчи жисмоний шахслар эса битим ўтказилган кун жағғарма банки орқали нақл пул ёки биржа кассасига нақд пул ўтказдилар. Жисмоний шахсларга кирим-қўшимча берилди. Биржаларда эса йиғимдан тушган маблагчи ҳар ойда маҳаллий бюджетга ўтказиладилар. Бу йиғим ставкасини суммасининг 0,1 фоизи миқдорда белгиланади.

— Шаҳар ҳудудини тозалаш учун йиғилмаётган йиғимлар қимлардан ундирилади? Бундай йиғимлар Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган, мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона ва ташкилотлар, шунингдек тадбиркор сифатида рўйхатга олинган иш юритувчи ва яқна меҳнат фаолияти билан шугулланувчи барча жисмоний шахслардан олинади.

— Бу йиғим бўйича ставка, юридик шахслар учун яқин даромадининг 0,5 фоизи миқдорда белгиланган. Бунда яқин даромад миқдоридан билвосита солиқлар миқдори негириб ташланади. Жисмоний шахслар учун эса даромадининг 0,5 фоизи миқдорда белгиланган бўлиб, бунда йиғим тадбиркорлар ва яқна меҳнат фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар иктиврида қолдиган даромаддан тўланади.

Йиғим тўловчи юридик шахслар ҳар чорақдан кейинги ойнинг 20-санасига қадар уларни жойлашган тумандаги солиқ инспекцияларига бу йиғим бўйича ҳисоб-китоб топширадилар. Йиғим тўловчи тадбиркор ва яқна меҳнат фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар эса ҳар чорақда уларни жойлашган тумандаги солиқ инспекциясига йиғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов қўғозини ва даромад декларациясини топширадилар.

Йиғимни тўлаш ҳар чорақдан кейинги ойнинг 20-санасигача амалга оширилади.

Бу йиғимдан тушган сумма фақат ҳудудини тозалаш ва ободонлаштириш учун ишлатилади. Бу маблагчи бошқа мақсадларга сарфлаш қатъиян ман этилади.

Бу йиғим бўйича қўйиладиган йиғимлар иттиҳозлар берилган:

а) шаҳар ҳудудини тозалаш билан шугулланувчи маҳсул ташкилотлар билан шартнома тузган ва шартнома мажбуриятларини бажарувчи юридик шахслар;

б) бюджет ҳисобида турувчи ташкилотлар, шаҳар ҳудудини тозалаш ва чиқиндиларни ташкил фаолияти билан шугулланувчи ташкилот ва корхоналар.

Сўхбатда Мастура МИРЗАЕВА.

ҚОЗОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шу кунларда қардош Қозоғистон Республикасида Ўзбек кунлари ажиб бир кўтаринки руҳда ўтаётди. Республиканинг йирик шаҳарларида бўлаётган самимий учрашувлар, ўзбекистонлик санъат ва маданият аҳдларининг чиқишлари, айниқса, дилкашлик касб этмоқда.

Бугун эътиборингизга ҳавола қилинаётган материаллар ўзбек ва қозоқ халқининг асрий биро-дарлиги, мустақиллик берган иқбол ҳақида сўз юритади.



Қозоқ миллий қолғу асбоби думбиро янраганда, унинг шўх садоларига қозоқ қизларининг ширин овози жўр бўлганда тингловчиларнинг юраги завққа тулади.

Ўзбек ва қозоқ халқлари узоқ замонлардан буён Осиё кўёши остида ёнма-ён яшаб, аралаш ҳаёт кечирган. Улар ўрта-сидаги қардошлик алоқаси, ҳақиқий дўстлик, ҳамкорлик айниқса ҳозирги кунларда кенг авж олган. Чунки, ҳозирги кунда ҳар иккала қардош халқ маданий ҳаётининг қайси бир тармоқларига назар ташламайлик, уларнинг ёнма-ён яшаб, қўли қўлга бериб, хизмат қилаётганлигининг шохиди бўлмасиз. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон халқ шоири Уйғун ўзининг «Салом» номли шеърида шундай деган эди:

Бизнинг дўстлигимиз қадимдан жуда,
Киз олиб, киз бериб бўлганмиз қуда.

Дўстлик кўприклари БОҚИЙ БИРОДАРЛИК

Гул териб келганмиз бирга бир қирдан,
Бирга сув ичамиз дарёи Сирдан,
Халқларимиз инок, туташ еримиз,
Бирга тўкилади ерга теримиз.
Биргаси меҳнатда, биргаси жангда,
Келажақ севгиси юракда, онгда.

Ўзбек совет поэзиясида қозоқ ҳаёти, дўстлик ва қардошлик туйғуларни 20-йилларнинг охири, 30-йилларнинг бошларидаёқ қўриб бериб келган эди. Бу борада Гафур Ғулومнинг «Турксиб йўлларида», Ойбекнинг «Бахтигил ва Соғиндик» номли поэмаси билан Ҳамид Олимжоннинг «Думбранинг мактови», «Қозоғистон», Уйғуннинг «Оқ қирлар», Миртемирининг «Ачисой», «Чўл оралаб» каби шеърларини эслаш мумкин. Масалан, Ҳамид Олимжон ўзининг «Қозоғистон» шеърида серқўш Қозоғистоннинг ажойиб жамолини шундай тасвирлайди:

Қозоғистон — бу маъмур Ватан,
Бу улғай халқ эркин олган тин.
Бир ўлакчи, бутун тоғи кон,
Тўпрокларни сав- сариқ олтин.
Қозоғистон — бу олтин, қумуш,
Бу бахт билан тўлиб оққан сой,
Қозоғистон — гуллаган турмуш.
Бу дунёни қоплаган бугдой.
Қозоқ шоири Гафу Қайрабековнинг «Ўзбек дўстимга» номли шеърида ёзади:

Алмаштириб дўппиларга бўрқларни,
Қимиз ичиб бирга қокдик ўрикларни,
Бир-бирига ёлдин суркаб тулпоримиз,
Бирга кездик экинзори кўрикларни.
Хузуригга жигаргўшанг йўлин солди,
Қўл силкитиб ортда қанча овул қолди.
Бутун қозоқ муҳаббати омонингни
Сенга ташна қўш сингари қоплаб олди.
Чертилади қардошлиқнинг қувноқ ози,
Она Тошкент тинглари тошиб эҳтироси.

ДАРҲАҚИҚАТ, биз — узоқ асрлардан буён Туронзаминда бирга яшаб, бирга меҳнат қилиб келатган ўзбек ва қозоқ халқлари ҳамият ривожининг барча босқичларида тақдир синовларига биргаликда дош бердик, бирга ижод қилдик.

Ўзбек ва қозоқ халқларининг фольклор асарларида мазмун аёлларимизнинг оху фиғони ҳам, эрк ва мустақиллик учун курашганларнинг мардлик шижоати ҳам, тадбиркор ҳамда доно Алдарқўса ва Хўжа Насриддиннинг мароқли саргузаштлари ҳам, Ғуруғли, Алломиш, Кунтуғиш, Қўбланди ботир, Эртормин ва Қўблар ботир сингари халқ баҳодирларининг қаҳрамонликлари ҳам ўз аксини топган.

Қўқон Валихоннинг замондоши Иброй Олтинсарин ўзининг жўшқин фаолияти билан бизга Ҳамза Ҳамзодо, Ниёзийни, унинг шоирлиқ, маърифатпарварлик, мураббийлик фаолиятини эс-латди. Иброй Олтинсарин ҳам худди Ҳамза Ҳамзодо, Ниёзий сингари ўқишчилик касби билан шуғулланиб, мактаб болала-

рини янги усулда тарбиялашга алоҳида эътибор берди. Икки туркийзабон халқнинг икки юксак маърифатли фарзандлари бўлган Иброй Олтинсарин ва Ҳамза бир неча дарслик ва қўлланмалар яратди, болаларни илм ва маърифатга даъват этуви унлаб шеърлар ижод қилишди.

Ойбек ва Мухтор Аевзов, Гафур

ҚАЛБИ-ҚАЛБИГА ТУТАШ

Ғулум ва Собит Муқонов, Миртемир ва Абдулла Тожибоев сингари ўзбек ва қозоқ адилларининг ибратли дўстлиги, ижодий ҳамкорлиги халқларимиз орасидаги дўстлик ва қардошлиқнинг ёрқин мисоли бўла олади. Бизнинг диёримиздаги ҳар қандай тадбир, қозоқ юртидаги ҳар бир тантана қозоқ ва ўзбек санъаткорлари, сўз усталари иштирокисиз ўтмас эди. Ўзбекистонда Собит Муқонов, Ғабит Мусрепов, Абдулла Тожибоев, Қозоғистонда эса Ойбек, Гафур Ғулум ва

Миртемир барча учрашув ва суҳбатларнинг турида эдилар.

Таниқли ўзбек ёзувчиси Ҳамид Ғулум 1958 йили Гафур Ғулум хонадонидан Мухтор Аевзов билан бўлган учрашув тафсилоти турисида гапириб шундай деган эди: «Гафур Ғулум, Мухтор Аевзовни уйига тақлиф этди. Икки устоз де-

дошлғи, оға-чинилғи ҳақида давом этди. Аевзов Навоий ҳақида, унинг ҳамма туркий адабиётларга устозлиги ҳақида гапирса, Гафур Ғулум Абай шеърларини қозоқ тилида, думбиро четтириб қуйлаган оҳангига ердан ўқиб, мен эса икки академик шоир ва адиб фикрларининг уйғунлиги, мушоҳадаларининг тиракчилиги, бир-бирига самимийлиги, ҳурмат-эҳтиромини кўриб, сузларига сеҳрланиб қўлоқ солардим».

Академик ёзувчи Комил Яшиннинг гувоҳлик беришича, Мухтор Аевзов «Абдулла Қодирийни ўзига устоз деб биларди!».

Буни шу кунларда Қозоғистонда давом этаётган Ўзбекистон кунлари катнашчилари билан бўлаётган дилдор учрашувлар тасдиқлаб турибди. Қаргиз бормайлик қозоқ биродарларимиз нону тўз билан, ширин сўз билан, энг муҳими очик қалб билан кутиб олмақдалар. Зотан, бирга-бирига бир заминда яшаб келатган икки улғай халқнинг меҳр-муҳаббатини бундан у-гача изҳор этиб бўлмайди.

Шўхрат УСМОНОВ,
Шарифа МИРЗАЕВА,
филология фанлари номзодлари.

Қадим Туркистон тупроғида азалдан яшаб келатган халқлар бир-бири билан оға-инидек бир отанинг болаларидек бўлиб кетишган. Бунинг Чимкент вилоятида яшайтган халқлар мисолида кўрсак бўлади. Бу ерда қозоқ ва ўзбек халқи, бошқа миллатлар бир-бирига елкадош бўлиб, бир-бирига суяниқ бўлиб умргузаронлик қилишмоқда.

Қозоғистон Республикаси мустақилликка эришган ўзбек ижодкорлари учун ҳам кенг уфқлар очилди. Туркистон шаҳрида ўзбек маданият маркази тўзилиб, иш бошлади. Унга таниқли шоир Эрнатар Рўзиматов бошчилик қилмоқда. «Дўстлик байроғи» ном билан ўзбек тилидаги вилоят газетаси чоп этила бошлади. Яқинда адабиёт мухлислари катта, қувончли воқеанинг шохиди бўлди. «Дийдор» деб номланган ўзбек тилида чиқадиган адабиёт ҳафталиқ газетасининг биринчи сонлари муштарийлар қўлига теги. Ушбу газета вилоятда ижод этаётган ўзбек адилларининг асарларини, улар таржима қилган қозоғистонлик ижодкорларнинг сара асарларини ўз саҳифаларида эълон қилади. Ҳаф-талиқ газета атрофида жўшқин адабий муҳит юзага келди. Бу ерда Жўрат, Иброҳим Туркий, Зокиржон Мўмин-жонов, Мираҳмад Бўтабоев, Ориф Саидқиром, Баҳодир Собит сингари йигирмага яқин иқтидорли ижодкор ҳар бир ёзилган янги асарини мунозара ва музокаралардан ўтказди.

Бугун Чимкент вилоятида яшаб, ижод этаётган ўзбек шоирларидан бир гуруҳининг шеърларидан бўлган қилмоқ-дасиз.

ЧИМКЕНТИМ

Машъал Шарқим тарихида тарихи кенг Чимкентим,
Самарқанду Тошкент билан доғруғи кенг Чимкентим.
Бодомдарё камар эрур диёрим бўстонида.
Қўшиқ айтиб, куй қўйлалик сўлим шаҳар шаънига.
Янги тушган келин мисол, гўзал менинг Чимкентим,
Ўтмишимиз тарихида газал, менинг Чимкентим.

Поёни йўқ заминда шох Улғубек сўзи бор,
Шому Ироқлардан ўтган Ипак йўлини изи бор.
Атойи ҳам Ясавийга маскан бўлган Чимкентим,
Арслонбобо, Югнакийга дoston бўлган Чимкентим.
Эрназар РЎЗИМАТОВ.

ҒАЗАЛ

Мафтунидир бу кўнгли қошингиз қаросини.
Ўртанур хижронда дил топпайин қаросини.
Қўзларингиз бепарво бўлмас кўйида юрган,
Хижронзада махжунвор мендек оварсини.

Зуфтингиз қайғусидан гирён боқиб кўзларим.
Ўлчабмай доғдаман ғам-севинч орасини.
Сенга ҳади этилмай пинхона ўртанурман,
Қалбим тўрида унган ишқимнинг ноласини.

Аҳволимга бепарво, қатлиғаму отиб ўк,
Ўқиздингиз этиб чўқ дилим пароласини.
Орзуни Жўрат эрур ошкона табассум,
Бахш айлаб тузатсангиз қалбимнинг ярасини.

ОНА ЮРТИМ

Яйраб ўсдим она юртим қучоғингда,
Ўлчабмай чач-чарг унган гул боғингда.
Боболаринг хоки-пойи шу тупроқни,
Авайладим кўзларимнинг қароғида.

Севдим дилдан сенинг дала тузларингни,
Баҳорларинг, ёзинг, қишинг, қуларингни.
Алп йигитлар Барчин сифат қизларингни,
Қўйлаб ўтдим юрагимнинг ардоғида.

Барчинбулоқ сувларига меҳрим қонар,
Қирғоғида ўрдақ ўчиб, гозлар қўнар.
Қоратогини чўққилари ял-ял ёнар,
Мен суқлиб бокчамнида тонг чоғида.

Ғам, аламдан йирок бўлсин ахли башар.
Азиз юртинг сенига меҳрим қайнаб тошар,
Пўлат отлиг битта шайдо ўғлини яшар.
Туркистоннинг Чога деган қишлоғида.

БЕВАФО

Туйғулар жунбушга келар ҳар замон.
Қонимда ҳисларим безовта тугён,
Қўзимга мунгайиб қўринар осмон,
Гўё дунёда йўқ мендаги имкон.
Шиддатли тўқиллар оғиз қолади,
Дала дарёларини тўстан чоғида.
Бўронлар дағиға қучиб қолади.
Ҳар нарсга оғиздир қуч қоғида.

Ҳар нега қодирман азизам ишон,
Ноламан қароғини очу тўқидан,
Тадқир қўл бешафқат, қилмасин нишон —
Бевафолик деган мўдҳиш ўкиға...

ХАЁП

Халлар тизгинсиз, само қучади.
Халт денгизининг туби қўринмас.
Шамоллардан илдам қучиб қучади.
Сабр занжирига зинҳор илинмас.

Мазмунли умр уни — тотли халлим.
Олдимга қорлайди доим инсонини.
Яшамок фароҳбахш орзулар лив-лим.
Тинимсиз, чопқирдир халл қарвони.

Жозибали халл мангу ҳамроҳим.
Ўқур тулпорингни майли, қувавер!
Сенсен сирли олам, қушим, моҳим.
Орзу армонининг бошин сийлавер!

Эл дардига малҳам бўлсин ўйларим.
Халл танганаси бир кун беғуним.
Халким, бўй-бастингда менинг бўйларим.
Халлат рўёби безатсин жаҳон!

Баҳодир СОБИТ.

Ўзбек йигит қозоқ қизин севса, бағрига босиб,
Бошдан ҳам баланд тўтиб, оламга қилар кўз-кўз.
Катта момо келинининг бошдан сочқа сочиб,
Катта бобо ош тортида, ўртада нон ила тўз.

Бу икки халқ ўртасида ҳукмрон нймон, тенглик,
Битта севги билан яшар, бир нишон жушар қонда.
Улар Турон элини аҳл, вараҳар қўри қенглик,
Бағри кенгининг уйи ҳам кенг бўлар чўғи жаҳонда.

Бугун меҳмон бўлиб келинг, борамиз эрта биз ҳам,
Меҳмон кутиб, меҳмон бўлиб яшаш бизга оддатдир.
Ўзбек уйи яйраб кетар агар дўст қўйиға қадам,
Ўзбекларни очиб қўйиб яшамок саодатдир!

Бир узуқининг икки кўзи ўзбек-қозоқ қадимдан,
Қўлини қўлга тутган аҳл, қўшановқа ўқайди.
Эъзоз билан жой олибди бу икки халқ қалбидан,
Ўзбекистон, Қозоғистон омон-омон яшайди.

ТўЛҚИН.

Дил тубидан ЧАШМАЛАР

зоқ адабиётини «Шокир — Шакир», «Малик — Ҳасан», «Қосим — Жоғар», «Сайфулмалик» каби қисса-дostonлар ва «Севги тили — сўзсиз тил», «Қўшимнинг қораси», «Ешлик ўтди билмадингми?», «Бир гузал қиз бўлибди жон қўлида», «Қалбимда утинг бўлса», «Шум тонмай мактанма», «Улан» каби шеърлари, Навоий «Ҳамса» сидан тасвирлаб, мадад олиб «Маъсуд», «Азим ҳангоҳи», «Искандар» поэмаларини ёзди. Бу асарларнинг замонавийлиги ва бадийлиги билан қозоқ адабиётида унга узоқ хос қаш-фиёт қилди. Бу достонларни бар-моқ, вақинда ёзди. Қодирнинг усуллари доирасини кенгайтир-ди. Шоир сифатида балогатга етгандан сўнг саводсизликка қар-ши кескин кураш очди. Эл-улус-ни билимли, маданиятли, халқ-ни ёлпасига саводхонга айлан-тириш унинг орзуси эди.

Абайнинг Навоийни ўқиб, ундан мадда олгани ҳақиқатдир. Машҳур прозаик 45 наҳдан ибро-рат дидактик мазмундаги насрий «Қора сузлар» асари Навоийнинг биринчи «Ҳайратул-аб-рор» фалсафий таълимиий досто-ни билан ҳаммаҳандир. Навоий ҳар бир мақолатда маълум бир масала ҳақида фикр юритгани-дек, Абай ҳам ҳар бир сўзидан уқиб, илм-фан, касб-хўнажар ур-ганини масалаларини илгари сура-ди.

Навоий «Ҳайратул-аброр» достонидан инсоннинг меҳнатга му-ҳаббат, садоқат, турғилик каби олижаноб хислатларни улғулади. Абай эл-улуси ёшларига мўмин бечорасга жонинг ачи, қўнчилик фойдаларига қўлаш кераклигини уқтарди.

«Маъсудга жонинг ачиб, Ҳаракат қил, фойдаси қўп-га тексин», деб мазлум мўминга фойда этишни мақсад қилиб қўяди. Абай ишсизлик одамини озиб-тўз-дирди, элни йўқчиликка учра-тадиган асосий ғувоҳ эканини ҳам кўрсатади. У:

«Томоғи тўқлик
Юмушга йўқлик.
Ўздирар одам боласин» —
деб бекорга айтмаган. Абайнинг тушунишча, одамнинг гузаллик хислатларига ҳам меҳнатнинг таъсири катта. Одам энг аввал меҳнат қилиб, мол то-пиб, хўнажар эгаллаб, оламни та-ниди. Шундан кейин уйнаб-қу-либ, давра даврон суради, дейди.

Навоийдан урганган қондош-жондош меҳнатқаш ўзбек халқи-нинг маданияти, касб — хўнажари қозоқ халқи орасига кенг тарғиб қилган маърифатпарвар Абай ўз-бек халқининг ҳам севилими шо-ирдир.

Икки сиймо... Турон юртининг икки зилот чашмаси. Бу чаш-малар ҳали ёш авлодларни беа-дад баҳраманд этади, албатта.

Қозоғистон Республикасида давом этаётган Ўзбекистон кун-ларидан икки буюқ сиймонинг шод бўлган руҳлари кезиб юр-ганига шўбхонача йўқ. Зеро, бу дў-стлик, бу қардошлик бизга буюқ боболаримиздан, аجدодларимиз-дан муқаддас меросдир.

Қишрўй ТУЛАБОВ

Шеърый лаҳзалар

ТУҒИШГАН ҚОЗОҚ — ЎЗБЕК

Ўзбек-қозоқ чин дўстлиги ҳақида юртсизм сўзни, Ўзбек-қозоқ Туркистоннинг икки чакчок кўзидир. Бирга баҳам қўрадилар қўшув Ой, Юлдузини, Ўзигини таниган халқ — ўзбек-қозоқ ўзидир.

Қадимлардан қозоқ-ўзбек бир-бирини оғам дер, Бирга-бирига довои ошиб, битта дард кечган халқ. Бошларидан битта осмон, туташ дала, адир, қир, Битта бўлоқ сувларидан баҳам қўриб ичган халқ.

Қозоқ дўстим ўтовига меҳмон бўлиб борган дам «Сен же, мен же!» деб қучоқлаб, бор-будини тўқади. Бу садоқат-чин дўстликка қойил қолади олам, Бу икки халқ мангилайдан қўш ўзи ўпади.

Қозоқ қизи қосани лим тўлдириб қуйса қимиз,
Тўйиб симири, бир илликки югуриб қирар қонга.
Қази бирини бешбармоқдан тоғиб кўр, юзи қирмиз,
Ёшинга ёш қўшоради завқ бериб ҳар бир онга.

Бу икки халқ ўртасида чегара йўқ, девор йўқ,
Бир ёқадан бош чиқарган тана битта, битта жон.
Икковни ҳам чин мақсадаг отилган ягона ўк,
Поёни йўқ Қозоғистон, бепойи Ўзбекистон.

Қозоқ йигит ўзбек қизин севиб қолса ағарда,
Ўқур отта миндирар олиб қочиб кетади.
Тўйин қилиб берса ҳамки она уйи — шаҳарда,
Ота юрти қир-яйлодан ёрин олиб ўтади.

Янги руқн: «Бир асар тақдири»

ДУРДОНА

Бу фильм нафақат ўзбек томошабинлари, балки жаҳон киношавандаларининг қалбидан жой олган. Гарчи «ойнаи жаҳон» орқали так-рор-такрор намоиш этилса-да, фильми ҳали ҳануз катта иштиёқ билан томоша қиламиз. Кино усталари ва умуман санъат шайдолари «Тоҳир ва Зухра» фильмининг ярим асрлик тўйини ни-шонлашмоқда. Фильм бош ижрочиларидан би-ри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юл-дуз опа Ризаева билан суҳбатимиз шў мавзу-да борди.

— Юлдуз опа, фильм тасвирга туширилган илк лавҳа тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— Суратга олиш жараёни зиндон эпизодидан бош-ланган эди. Маълумки, кинода воқеалар ривожини бос-қичма-босқич, кетма-кет олинмасдан қайси бир кури-ниш лавҳаси қўлай бўлса шундан тасмага туширила-веради. Мен 17-18 ёшли қизчаман. На шу соҳада ма-лакали мухалласис эмасман, на унинг илмини ўқима-ганман. Хуллас, режиссёримиз Наби ақанинг кўмағида эпизод суратга олинди. Сўёмақлар кетяпти, аммо То-хирни ижро этадиган одам йўқ. Фотосиновга жуда куп одамларни қақиритди, шуларнинг орасида Ғулум То-жиаёлов Тоҳир ролига тасдиқланди. Фильмни олиш оғир уруш йилларига тўғри келиб қолганди. Шароит-лар жуда мураккаб, совуқ, устига-устак карточка тизи-ми. Бир кўз олдингизга келтирингиз. «Ватан» кинотеат-рида уруш тўғрисида кино ҳам қўйилиши тўхтаб қолган-ди. У ердagi уриндиқлар олиб ташланиб, сўёмка майдонига айлантирилган.

— Фильм муваффақиятининг сири нимада деб ўйлайсиз?



— Кино катнашчиларининг ҳаммаси астойдил чин юракдан меҳнат қилганлар, Наби ака ҳам жуда қучли, истеъдодли режиссёр эмасмилар, Собир Абдулла Ёз-ган сценарийнинг экранида жонли чиқишида уларнинг ҳиссалари бениҳоя катта деб биламан. Ижрочилар жуда усталик билан танланган. Обид Жалилов, Шўкур Бурхонов, Зебо Ганиева, Саъдихон Табибуллаевлар иқтидорини, маҳоратини рад этиб бўлмайди-ку. «То-хир ва Зухра» фильми ҳатто Давлат мукофотиға ҳам тавсия этилган эди. Бироқ уша йили Озарбайжон ки-ночилари «Аршин молон» мусиқий фильмининг яра-тишган эди. Мусиқий комик фильмлар даярли кам де-ган важлар билан мукофот Озарбайжон фильмига тек-кан. Аммо ғам унда эмас. Фильмимиз бутун Осиёда, Европа мамлакатларида шўхрат қозонган. Ғалаба ара-фасида Германиядаги ўзбекистонлик жангчиларимиз-га ҳам намоиш этилганда улардан куплаб мактублар олганмиз. Йиллар ўтган, Ҳиндистонда сафарда бўлган Иззат Султоннинг хотирлашича, куп қаватли баланд биноларнинг бирида минглаб чироқлар шўёласида Зух-ра сиймосини реклама қилиб тасвирлашган экан. Не бахтки «Тоҳир ва Зухра» фильми эса нобб дурдона асар сифатида маданиятимиз олтин хазинасидан жой олди.

Назокат УСМОНОВА суҳбатлашди.
СУРАТДА: фильмдан лавҳа.

Маданият хабарлари

ОЙБЕК ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНАДИ

Шу кунларда республикада Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 90 йиллиғига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Пойтахтимиздаги Шарқшунослик институтида ҳам бу улкан адиб таваллудига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бир гуруҳ ижодкорлари, адабиётшунослар Ойбек ижоди ва ҳаёти ҳақида тулланларга сузлаб бердилар. Институт тала-балари ижросидаги адиб асарларидан олинган саҳна асарла-ридан парчалар, унинг шеърлари билан айтайдиган қўшиқ-лар томошабинлар томонидан қизгин кутиб олинди.

ҲАЗИП САҲНА ТОМОШАСИ

Аброр Ҳидоятлов номидagi Ўзбек Давлат драма театри ижо-дий жамоаси театр шинавандаларини янги саҳна томошаси билан хушнуд этдилар. Таниқли қизикчи Ботир Мўхаммадх-жаев қаламига мансуб «Қитмир» номли ҳазил саҳна томошаси мухлислар томонидан катта қизиқчи билан кутиб олинди. Ин-сонийлик, поклик, ҳалоллик мазму қилиб олинган маъзур спек-таклда бир ўйда истикомат қилаётган қўшчилар мисоли орқали томошабинга етказиб берилади. Қўлғи, ҳазил ва мўтойиба-ларга бой саҳна асарини Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирди. Асосий ролларни Азиза Бегматова, Обид Асомов ва бошқалар ижро этдилар.

Саломхиддин СИРОЖИДДИНОВ.

ЁРҚИН ИСТЕЪДОД


Яқинда Алишер Навоий номли катта академик театрида ранг-баранг саҳна томошаларида иштирок этиб балет санъати мухлислари меҳрини қозонган Ўзбекистон халқ артисти Ибро-ҳим Юсуповнинг ижодий кенаси бўлиб ўтди.

Кечага таширф буюрган мухлислар санъаткор томонидан саҳнага олиб чиқилган бир қатор спектакллардан лавҳалар томоша қилдилар. Айниқса, Иброҳим Юсупов томонидан ма-ҳорат билан саҳналаштирилган «Ромео ва Жульетта», «Тума-рис», «Реймонда» балетлари шинавандаларга бир олам завқ улашди.

Санъаткорнинг умр йўли ранг-баранг спектакллар, премье-ралар, чет эллардаги учрашувлар ва бошқа ж

Рауф ТОЛИБ.

Кунлар утибди, қанча сувлар оқиб кетибди. Адирма-адир овқат излаб юрган кулранг Тулки бирдан таққа тўхтабди. Қараса, сой бўйида узун думини осилтириб, бўйинини эгиб Тасқара турганмиш. Корни очган шекилли... Тулки буталар орасига яширинибди-да, бу бахайбат қуш-ни қузата бошлабди. «Ох-оҳ, семизгина, бикки...



Рустам Шарипов олган сурат.

◆ Соат 10 дан 52 дақиқа ўтганда

Баҳриддин ТУРҒУНОВ
тайёрлаган.

Равиль Альбеков олган сүөт.

Музыка санъатига, жумладан мақомга иштиёқи, ихлоси баланд кўпгина ёшларнинг бизнинг Шарқ музыкаси факультетида билим олиш ниятлари борлиги бизни беҳад мамнун этди.

Назокат УСМОНОВА.

Бир нотик чекиш ва ичкиликнинг зарари тугрисида маъруза ўқияпти:

— Уртоқлар, чекиш ва ичкилик бу — иллат! Ичкиликни йўқотиш ва чекишни ташлаш керак, азиз дўстлар! Энди ўн беш дақиқа танаффус, хумори туганлар чекиб, чанқаганлар ичиб келсин марҳамат!

Хажм
Офсет
Қоз
Газета
терм
Наш

Буюртмалар қабул қилинадиган телефонлар рақами 96-16
96-19-32, соат 8.00 дан 18.00 гача, 96-19-72 эртаю кеч.

ХУЖЖАТЛАР 10 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Бизнинг манзил: 700084, Тошкент шаҳри, Хуршид кучаси, 45
автобуслар: 10, 85, 88—«Семашко номли илмий текширув инсти-
тути» бекати).
Маълумот учун телефонлар: 34-24-18, 34-55-73.

Тошкент Давлат Университети механика-математика
культети жамоаси доцент
Маъруф ИКРОВНИНГ
фот этанглигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг
ла аъзоларига таъзия изҳор қилади.

босма табок.
чоп этилади.
ми - А-2.
омпьютериди
херфаланди.
ғи - 64690.

"Шарк" нэтрнёт-матбаа концерни
босматонаси. Кортона манзини:
"Бунок Шуфон" кыгаси, 44-ун.

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАХ
ХОКИМАТИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси Давлат
матбуот кўмитасида
руйхатга олинган.
Руйхат сони ~ 10.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:
хатлар ~ 33-29-70;
эълон ва тижорат хабарларини
жойлаштириш масалаларини
бўйича ~ 56-54-68, 32-56-66.

Элонтар ва тижорат
таварлари аниқ ва
ифтидolini ушук жавоб-
гарлик уларни берган
ташкилот ва шахслар
зипнасидадир.

Нашрин сўказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ.
Офсет усулда чоп этилади.
Қўғоз бичими - А-2.
Газета IBM компютерида
терилди ва саҳифаланди.
Нашро кўрсаткичи - 64690.

"Шарк" нэтрнёт-матбаа концерни
босматонаси. Кортона манзини:
"Бунок Шуфон" кыгаси, 44-ун.